O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2007** йил, **25** май, жума № **21** (2200).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **25** мая, **2007** год, № **21** (2200).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена договорная

Ҳарбий хизмат жараёнида ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни, аввало, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг муносиб ворислари, она Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз даркор.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
# ФАРМОНИ
## ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидагилар жойлардаги давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» маркази, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг энг муҳим вазифаси ҳисоблансин:

республикамизнинг ҳар бир ҳудудида янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратиш;

ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй-хўжалигини йўлга қўйишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, уларга сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий, ахборот, маслаҳат ва бошқа, жумладан болалар соғлиғини сақлаш ва тарбиялашни таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш;

ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун ғурур ва масъулият ҳиссини, ота-онага, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва халқимизнинг бoқий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш.

2. Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида қуйидаги мақсадлар учун 2007 йилда 50,0 миллиард сўм ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш;

уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш);

уй-хўжалигини йўлга қўйиш;

мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш.

Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига ёш оилаларга кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун 2007 йилга мўлжалланган ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча кредит маблағларини излаб топиш ва ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган таклифларни ҳар йили Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қонунчиликка мувофиқ, мазкур Фармон татбиқ этиладиган ёш оила тоифасига, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар киради.

4. Белгилансинки, жисмоний шахслар – ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган даромадларига қуйидаги даромадлари кирмайди:

солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси;

хўжалик субъекти – иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ.

Сотиб олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) кундан бошлаб беш йил ичида ушбу мол-мулк сотилса, мазкур бандда кўрсатилган даромадлар белгиланган тартибда жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиққа тортилади.

5. Хўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, камайтириш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Давлат мулки қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда:

2007 йил 1 сентябргача давлат тасарруфида бўлган вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни улардаги маиший шароитларнинг ёш оилалар яшаши учун мос келиши нуқтаи назаридан инвентаризация қилсин;

2007-2008 йиллар давомида Нукус шаҳрида, ҳар бир вилоят маркази ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-жойлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизида оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандга мувофиқ ёш оилаларга бериладиган уй-жойни таъмирлашни молиялаш ҳамда уни зарур санитария-маиший асбоблар билан жиҳозлаш тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми кўрсаткичларининг ошириб бажарилган суммаси ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида жалб қилинаётган ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда Қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 18 май.



*Йигит учун шаъндир, Қасамёд!*

Комолиддин ТУРАЕВ сурати олган.

# ПОКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Ислом Республикаси Миллий ассамблеяси аъзоси Мир Хазархон Бижароний раҳбарлигидаги парламент делегацияси 24 май куни Олий Мажлис фаолияти билан танишди.**

Қонунчилик палатаси ва Сенатда ўтган мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳаларда, жумладан, парламентлараро ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Учрашувларда томонлар Ўзбекистон ва Покистон олий қонун чиқарувчи органларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Покистонлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказдилар.

**(ЎзА).**

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Беларусь Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Андрей Кобяков раҳбарлигидаги делегация аъзолари қатор компания ва уюшмаларда музокаралар ўтказди.**

"Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси З.Ҳакимов билан мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, сайёҳлик йўналишида ҳам ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Беларусь давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда юртимиз ўзининг ноёб тарихий обидалари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан дунёнинг барча мамлакатларидан, хусусан, Беларусдан ҳам ўзига кўплаб сайёҳларни жалб қилаётгани қайд этилди. Бу эса икки мамлакат сайёҳлик компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашни тақозо қилади.

Беларуслик меҳмонлар, шунингдек, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати ҳамда "Ўзэлтехсаноат" уюшмалари, Республика товар хомашё биржаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан музокара олиб бордилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссияни ташкил этиш, солиқ қонунчилигига риоя қилиш масалалари бўйича ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Беларусь Республикаси Миллий фанлар академияси ўртасида илмий ҳамкорликка доир шартнома имзоланди.

**(ЎзА).**



**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**

## УЛКАН САЛОҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

**Президент Ислом Каримовнинг Оролбўйига сафаридан кейинги ўйлар**

### УСТЮРТ БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

Мамлакатимиз шимолида ястаниб ётган кўз илғамас Устюрт кенгликларига боқиб, юртимизнинг нақадар бепоён эканига амин бўласиз. Бу ерда барпо этилган ва қарийб 60 гектар майдонни эгаллаган, мамлакатимиз саноати учун жуда зарур хомашё – йилига 100 минг тоннагача кальцийланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга Қўнғирот сода заводини кўрганда эса Ўзбекистонимиз улкан салоҳиятга эга мамлакат эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

**(Давоми 8-бетда).**

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## НОДИРАИ ДАВРОН

Ўзбек халқининг машҳур шоираси, ўз даврининг зукко маликаси бўлган Нодираи даврон – Моҳларойим таваллудига 215 йил тўлди. Йиллар давомида қанча тарихчи ва адабиётшунос олимлар, наср ва назм аҳлининг асарларидан жой эгаллаб келган ҳассос шоиранинг ҳаёти ва ижоди бугун ҳам эл назарида. Нодирабегимнинг ҳаёт йўли, тақдири миллат томирига туташ бўлиб, ҳар гал у ҳақда сўз юритилганда, қалбларда фахр-ифтихор туйғуси жўш уриш билан бирга, юракларни сим-сим дард зирқиратиб ўтади. Бунинг сабабини миллат тарихини, улуғ аждодлар сиймосини улуғлаб келаётган ҳар бир ҳамюртимиз яхши билади, шубҳасиз. Ушбу мақоламизда яна бир бор мозийга қайтиб, беназир шоира, маърифатпарвар давлат арбоби, миллат аёлларининг доно ва оқила тимсоли – Нодирабегим ҳаёти ва ижодига ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилдик.

**(Давоми 12-бетда).**

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**



## ҚУДРАТИМИЗ ИЛМДАДИР

**(Бугун – «Сўнгги қўнғироқ» тантанаси)**

Бир зум ўша беғубор дамларга – улкан ҳаёт остонасига қадам қўйишга чоғланган онларга, аниқроғи «Сўнгги қўнғироқ» тантанасига қайтинг. Ҳаяжонли лаҳзалар титроғи кўз олдингизда намоён бўлаётгандир?

Бугун истиқлолимиз туфайли битирув тантанаси ҳам янгича мазмун-моҳият касб этмоқда. Дейлик, тантана ўтадиган жойда аввало давлатимиз рамзлари, Президентимизнинг ўқувчи ёшларга қарата айтган сўзлари, турли деворий газеталар, байрамона фотосуратлар, касб танлашга оид кўргазмали бурчаклар, хайрлашув кечаси борасидаги альбомлар тайёрланади.

**(Давоми 8-бетда).**




**3** ТОШКЕНТ ҲАРБИЙ ОКРУГИДА
МИНТАҚАДАГИ ХАВФСИЗЛИК – МУШТАРАК МАҚСАД



**4** ЯНГИЧА ҲАРБИЙ АНЪАНАЛАР
ЖАНГОВАР ЯРОҒ – ХИЗМАТДА ҲАМРОҲ



**10** КИКБОКСИНГ. ЧЕМПИОНАТ МИРА
ОФИЦЕРСКАЯ ПОБЕДА В АФИНАХ



**12** АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ
КУЙДА ЖОЗИБА, ҚЎШИҚДА СЕҲР БОР

